

— | | —
**«ЎЗБЕКЭНЕРГО»
ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

УРФОН ОТАЖОН

**«ЎЗБЕКЭНЕРГОТАЪМИР»
(Корхона тарихидан лавҳалар)**

Тошкент - 2009
— | | —

Ушбу китобда 1963-2008 йилларда Ўзбекистон энергетика тизимининг сифатли ва ишончли ишлашига салмоқли ҳисса қўшган электр станциялар ускуналарини таъмирлаш хизматининг шаклланиши ва фаолияти тўғрисидаги лавҳалар келтирилган.

Мазкур китоб энергетик мутахассислар, иқтисодчилар, менеджерлар, энерготаъмир корхоналари раҳбарлари, шунингдек, энергоускуналар таъмирлаш хизматининг шаклланиши тарихи ва ҳозирги кундаги ҳолати билан қизиқувчи китобхонлар учун мўлжалланган.

Илмий маслаҳатчи, гоа муаллифи
Т. Юнусов
иқтисод фанлари номзоди,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган энергетик

Масъул муҳаррир
Қ.Р.Аллаев
техника фанлари доктори, профессор,
Халқаро электротехника фанлар Академиясининг академиги

Таржимон
Д.С. Қориева

Тақризчилар:
Р.А.Зоҳидов
техника фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон фанлар Академиясининг академиги

А.А.Хошимов
техника фанлари доктори, профессор


Ушбу китоб қўлёзмасини ўқиб ўз маслаҳатларини берган корхона бош муҳандиси С.У.Камалов, меҳнат муносабатлари бўлими бошлиғи Д.С.Қориевага, қўлёзмани тайёрлашда техник ёрдам кўрсатган М.Н.Нигманова, С.А.Немальцева, Е.А.Черниенко, Д.Г.Ишмухамедова ва корхонанинг барча ходимларига муаллиф ўз миннатдорчилигини ихзор этади.

«Ўзбекэнерготаъмир» ОАЖ техника бўйича кенгаши томонидан бошишга тавсия этилди.

У.Отажон. «Ўзбекэнерготаъмир» (Корхона тарихидан лавҳалар). Ўзбек ва рус тилларида. Тошкент, «Мехридаръё» нашриёти, 2009 йил, 288 бет.

*Ёқилғи — энергетика комплексини жадал
ривожлантирмай, мустаҳкам энергетика
базасини ташкил этмай туриб бирон бир
тармоқни юксалтириб бўлмайди.*

Ислом Каримов



СЎЗБОШИ

Мустақиллик туфайли она диёримизда мисли кўрилмаган тарихий ислохотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Республикамиз иқтисодиётини юксалтирувчи барча жабҳаларда, жумладан, энергетика соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Ватанимиз энергетика мустақиллигига эришди. Мазкур соҳадаги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун «Ўзбекэнерго» Давлат акционерлик компанияси шакллантирилди. Энергия ишлаб чиқарувчи, энергияни узатувчи ва тақсимлаб сотувчи корхоналар бирлаштирилиб, ягона бошқарув тизими барпо қилинди. Бозор иқтисодиёти шароитида ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш ва энергетика тизимини босқичма-босқич ривожлантириш учун ҳуқуқий ва иқтисодий асослар яратилди.

Бугунги кунда Республикамизда йилига 50 млрд. кВт соатдан зиёд электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда ва ватанимизнинг ички эҳтиёжини тўлиқ қондириб, электр энергиясини қўшни мамлакатларга ҳам экспорт қилиш имконияти яратилди.

Ҳозирги кунда барча корхоналари етарли даражада мустақам техник базага эга бўлган, ўзининг самарадорлиги, бозор иқтисодиётига мосланувчанлиги билан «Ўзбекэнерго» Давлат акционерлик компанияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг энерготизимлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Ўзбекистон энерготизими таркибидаги ҳар бир корхона ўзининг ташкилий таркиби, бошқарув тизими, бажарган ишлари, амалга оширадиган функционал имкониятлари ва истиқболдаги ривожланиши билан бетакрордир.

«Ўзбекэнерго» ДАК тасарруфидаги «Ўзбекэнерготъмир» ОАЖ энергоускуналар таъмири соҳасида қирқ йилдан ортиқ фаолият кўрсатаётган ва бу соҳада катта ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган корхонадир.

Мана шу ўтган йиллар мобайнида корхона амалда кичик-кичик участкалардан йирик ва қудратли бирлашма даражасига ча бўлган катта йўлни босиб ўтди. Корхонанинг ўзига хос шонли тарихи шаклланди, унинг бағрида ниҳоятда катта тажрибага эга муҳандис-техник мутахассисларни бутун бир авлоди тарбия топиб, камолга етди, юқори малакали ишчи кадрлар жамоаси ташкил топди, ишлаб чиқариш борасида бой тажриба тўпланди.

Тақдир тақозосига кўра менга иссиқлик энергостанциялари ускуналарини таъмирлаш корхонасининг илк ташкил этилган кун-

ларидан бошлаб унга раҳбарлик қилиш вазифаси юкланди. Бу улуғ ва шарафли ишни мен шу кунга қадар адо этиб келмоқдаман.

Корхонадаги барча ўзгаришлар, янги-янги ёшларнинг корхонага келиб камол топишлари, ҳаммаси менинг кўз ўнгимда рўй берган. Корхонамизга кўплаб ёшлар ишга келишади, уларнинг орасида истеъдодли, меҳнатсевар, ўз касбини пухта биладиганлари ҳам кам эмас, аммо... баъзан нафақат ўз касби-корида тажрибасиз, балки бизнинг соҳамизнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида ҳам мутлақо тасаввурга эга бўлмаган ёшлар ҳам учраб туради. Ҳолбуки, таъмирлаш соҳасида ҳар куни шундай муаммолар вужудга келади-ки, уларни чуқур билим ва тажрибасиз ҳал этиш мушкул.

Шу сабабли ҳам менинг кўнглимда энерготаъмир хизматининг вужудга келиши, ривожланиши, унинг моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши тўғрисида бир китоб ёзиш, унда корхонамизнинг фидойи муҳандислари, техник ходимлари, ишчилари ўз фидойи меҳнатлари туфайли эришаётган ютуқлар, улар тўплаган бебаҳо тажриба, истиқлол йилларида республикамизда амалга оширилаётган ишлар, ислоҳотлар ҳақида, соҳамиз тараққиёти борасида ўз ўйларим, фикр ва мулоҳазаларимни баён этиш истаги пайдо бўлди.

Мен, ушбу сатрлар муаллифи, корхона раҳбари сифатида корхонани ташкил этиш, корхона олдида қўйилган вазифаларни адо этиб, кўп йиллар давомида мураккаб энергетик ускуналарни таъмирлашни, таъмирланган ускуналарнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини таъминлашни ташкил этиш жараёнида бевосита иштирок этганим ва бу ишларнинг қанчалик шарафли эканлигини қалбим билан ҳис этганим сабабли мазкур китобни яратиш гоясини таклиф этдим ва илмий маслаҳатчи бўлиш масъулиятини ўз зиммамга олдим.

Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китоб 18 қисмдан иборат бўлиб, унда қуйидаги долзарб мавзулар баён қилинган:

- ИЭСнинг энергетик ускуналарини таъмирлашни ташкил қилиш ва унинг иқтисодиёти масалалари;
- таъмирлашнинг юқори сифатини ва агрегатларнинг ишончли ишлашини таъминлаш, янги техника ва технологияларни, ҳамда кичик механизация воситаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- ишчи ходимлар билан ишлаш, муҳандис-техник ходимлар ва ишчилар малакасини ошириш бўйича олиб борилган ишлар;

• Республикамиз мустақиллиги йилларида корхонада бажарилган асосий ишлар ва истиқболдаги режалар.

Муаллифлар мазкур китобни ёзиш жараёнида фойдали маслаҳатларини берган энергетик олимлар академик Р.Зоҳидовга, профессорлар Қ.Аллаевга, А.Ҳошимовга ўз миннатдорчиликларини билдирадilar. Мазкур китоб энерготаъмир тажрибаси асосида илк бор ёзилган китоб бўлиб, у айрим камчиликлардан холи эмасдир. Шунинг учун китоб ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирувчи мутахассис ҳамкасбларимизга чуқур миннадорчилигимизни билдирамыз.

*«Ўзбекэнерготаъмир» ОАЖ Директори,
иқтисод фанлари номзоди,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган энергетик*

Т. Юнусов

ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГЕТИКАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ (қисқа маълумот)

Ўзбекистон энергетикасининг тарихи ўтган асрнинг 20-йилларидан, Бўзсув каналида қурилган 1000 кВт қувватга эга бўлган биринчи Гидроэлектростанция (ГЭС)нинг қурилишидан бошланади. Гидроэлектростанцияга Германиядан келтирилган турбиналар ўрнатилган. Кейинчалик Бўзсувнинг қуввати 4000 кВт га етказилди.

Ушбу гидроиншоот қурувчилари орасида биринчи ўзбек муҳандиси Саидоқилхон Саидхўжаев ҳам бор эди. Гидроэлектростанция қурилишида олинган биринчи тажриба, ҳамда уни ишлатиш тажрибасидан энерготизимни ривожлантиришда кенг фойдаланилди. Бу ерда мутахассислар яхши малака мактабини ўтиши ва кейинчалик катта олимлар, энергетика раҳбарлари бўлиб етишиб чиқишди, булар: С.А.Саидхўжаев, Раҳим Жўраевич Ғозиев, И.Я.Каминский, Н.М.Чупранов ва бошқалардан иборатдир..

Ўтган 82 йил мобайнида Бўзсув ГЭС деярли 2,4 млрд. кВт/соат арзон электр энергиясини ишлаб чиқарди, бу ҳолат иссиқлик электр станцияларида миллион тоннадан ортиқ шартли ёқилғини тежашга имкон берди.

1928 йилда Бухоро, Самарқанд, Андижон, Қўқон, Марғилон, Термиз, Нукус, Урганч, Наманган ва бошқа шаҳарларда дизел электр станциялари қурилиб ишга туширилди. Тошкент дизел электрстанцияси кенгайтирилди ва ҳар бири 1000 от кучига эга бўлган тўртта дизел ўрнатилди. Кейинчалик яна Ангор, Шаҳрисабз, Хива, Тўрткўл, Қарши шаҳарларида ҳам дизел электрстанциялари қурилиб, ишга туширилди. Дизел электрстанциялари асосан пахта заводлари, суғориш каналларидаги насос станциялари ҳамда умумий фойдаланиш учун қурилди.

Ўзбекистондаги буғ турбиналари ўрнатилган биринчи иссиқлик электрстанциялари Фарғона ва Каттақўрғондаги ёғ заводлари эҳтиёжи учун ўтган асрнинг 20-йилларининг охирида қурилган эди. Умумий фойдаланиш учун қурилган биринчи Иссиқлик электр маркази (ИЭМ) Фарғона ёғ заводи қошидаги «Шарқ тонги» ИЭМ бўлган. Ушбу ИЭМ Ўзбекистонда ишга туширилган биринчи ИЭМ бўлиб, унинг қуввати 8500 кВт бўлган. 1930-йилда Тошкент тўқимачилик комбинатида қуввати 12000 кВт бўлган ИЭМ қуриб ишга туширилди. Кейинчалик станция қуввати оширилиб, ушбу ИЭМ Тошкентни иссиқлик билан таъминловчи асосий манбаълардан бирига айланди.

Ўтган асрнинг 30-йиллари иккинчи ярмида Ўзбекистонда Қизилқия кўмирида ишлашга мўлжалланган Қувасой Иссиқлик электрстанция (ИЭС)си қурила бошланди. Бу Ўзбекистондаги биринчи ИЭС эди. Ушбу ИЭСнинг биринчи агрегати 1939 йилнинг охирларида ишга туширилди ва уруш пайтида Фарғонага кўчириб келтирилган саноат корхоналарини энергия билан таъминлай бошлади.

Бу 1933 йилдан 1946 йилгача Ўзбекистонда қуйидаги ГЭСлар ишга туширилди:

• Қодирия	-1933 й.	13,2 МВт қувватли;
• Бўржар	-1936 й.	6,4 МВт қувватли;
• Логинов	-1940 й.	42 МВт қувватли;
• Товоқсой	-1941 й.	36 МВт қувватли;
• Қибрай	-1943 й.	11,2 МВт қувватли;
• Солор	-1944 й.	11,2 МВт қувватли;
• Биринчи Оққовоқ	-1945 й.	10,7 МВт қувватли;
• Иккинчи Оққовоқ	-1946 й.	9 МВт қувватли.

Ўзбекистонда 1943 йили яна бир энергоиншоот – Фарҳод ГЭС қурила бошланди ва 1953 йили умумий қуввати 126 МВт бўлган тўртта агрегат ишга туширилди. Фарҳод ГЭСнинг Ўзбекистон энергетикаси тарихида аҳамияти катта бўлган. Ушбу ГЭС ўзбек халқининг фидокорона меҳнати туфайли ҳашар йўли билан барпо этилган буюк бир иншоотдир. Ўша пайтларда Фарҳод ГЭС қурилиши бунёдкорларига бағишлаб Ўзбекистон шоир ва адиблари томонидан ўнлаб бадиий асарлар ёзилган.

Урушдан кейинги йилларда Ангрен кўмири конининг топилиши ва ишга туширилиши ҳамда Олтинтопган комбинатининг қурилиши катта қувватли Иссиқлик электр станцияларини лойиҳалаштиришни ва барпо этилишини тақозо этди. Шундай қилиб, 50-йилларнинг бошида қуввати 24 МВт бўлган ИЭМни Олмалиқда, қуввати 600 МВт бўлган ИЭСни Ангрен шаҳрида барпо этиш лойиҳаси тайёрлана бошланди.

Олмалиқдаги ИЭМнинг қурилиши 1955 йилда бошланиб, биринчи агрегат 1960 йилда ишга туширилди. Кейинчалик шаҳарни иситиш учун бу ерда ПВТМ – 100 сув иситиш қозонлари ҳам ўрнатилди.

Ангрен ИЭС юқори босимли (100 ата ва 540°С) бугда ишловчи биринчи станция эди. Бу станцияга 50 МВт қувватли турбиналар, вақт ўтиб станция кенгайтирилганида эса 100 МВт қувватли турбиналар ўрнатилди. Ушбу станция 1953 йили қурила бош-

ланди ва 1959 йили ишга туширилди. Ангрен ИЭСнинг биринчи навбатини Иссиқлик электрлойдан Ростов бўлими, иккинчи навбатини Ўрта Осиё бўлими лойиҳалаштирган.

Қорақалпоғистондаги биринчи ИЭС Тахиатошда қурилган. қурилиш 1956 йилда бошланиб, 1965 йилда ниҳоясига етказилган. қурилиш бошланишида Тахиатош ИЭС қуввати 24 МВт га мўлжалланган эди, лекин ушбу станция кенгайтирилиб, аввал қуввати 48 МВт гача, сўнгра 348 МВт гача етказилди. Натижада станцияда 40 ата, 450°C параметрда ишловчи, ҳар бирининг қуввати 12 МВт бўлган тўртта турбина ўрнатилди, кейинроқ эса ҳар бири 100 МВт (90 ата ва 450°C) бўлган (яна учта) турбина ўрнатилди. 80-йилларнинг охирида ҳар бири 200 МВт бўлган 2 энергоблок ўрнатилди.

1954 йили Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи учун ИЭМ – 2 қурилади бошланди. Ушбу станция қуввати 220 МВт бўлиши кўзда тутилганди, станция 1968 йили ишга тушди. 70-йилларда ҳар бирининг қуввати 100 МВт бўлган яна иккита турбина ўрнатилди.

Навий ИЭСси (1250 МВт) 1960-1981 йиллар давомида қурилиб ишга туширилган, ишлатиладиган буғ параметри 140 ата ва 570°C. Ушбу станция очиқ хилдаги станция бўлиб, унинг қозонлари ва турбиналари бино ичида эмас очиқ майдонларда жойлашган.

Тошкент ИЭС 1959 йилнинг охирларида қурилади бошланган ва 1971 йили охирги 12-блок ишга туширилган. Бу станция очиқ хилдаги энг катта станциялардан биридир.

Сирдарё ИЭС 1967 йили қурилади бошланган ва охирги 10-блок 1981 йилда ишга тушган. Сирдарё ИЭСда ҳар бири 300 МВт қувватга эга буғ параметри 240 ата ва 570°C бўлган ўнта блок ўрнатилган. Станция блоклардан иборат ва агрегатлар бино ичига ўрнатилган. ИЭСдаги барча технологик жараёнлар автоматлаштирилган. Кейинчалик Янги Ангрен ИЭС (2100 МВт) ва Толлимаржон ИЭС (800 МВт) қуриб ишга туширилди. Бундай улкан энерготизимнинг ишончли ишлашини таъминлаш, уни бошқариш илмий асосда бўлишини талаб қиларди. 1962 йилда Ўзбекэнерго, Ўзкоммунэнерго ва қишлоқ хўжалигини электрлаштириш бош бошқармалари асосида Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва Электрлаштириш Вазирлиги ташкил этилди ва техника фанлари номзоди Азиз Ҳакимович Ҳамидов вазир этиб тайинланди.

Кўриниб турибдики, тарих нуқтаи назаридан қисқа муддат (50-60 йил) давомида ўзбек халқининг фидокорона меҳнати тўғрисида Ватанимиз улкан ва изчил ривожланиб бораётган энергетика

ка тизимига эга бўлган давлатга айланди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда қуйидаги Иссиқлик электр станциялари ишлаб турибди:

Станция	Қувват, МВт
Сирдарё ИЭС	3000
Янги-Ангрен ИЭС	2100
Тошкент ИЭС	1860
Навий ИЭС	1250
Тахиатош ИЭС	750
Ангрен ИЭС	484
Фаргона ИЭМ	305
Муборак ИЭМ	63
Тошкент ИЭМ	30
Толлимаржон ИЭС 1-блок	800
«Ўзбекэнерго» бўйича ҳаммаси	10642

Республикада ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 82 % ушбу ИЭСларига тўғри келади.

1967 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ЭНЕРГОТАЪМИР ХИЗМАТНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ҚИСҚА МАЪЛУМОТ

*Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрларла,
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.
Фафур Фулом*

Энерготаъмир соҳаси – Ўзбекистонда нисбатан энг «ёш» соҳалардан биридир. Энергетикага асос қўйилиб, янги ва янги энергетика корхоналари ташкил этилиб, энергетика тизими шаклланди, бу корхоналардаги ускуналарни таъмирлашга ҳам эҳтиёж пайдо бўла бошлади. То ўтган асрнинг қирқинчи йилларигача энергоускуналарнинг носозликларини бартараф этиш, таъмирлаш, мазкур гидроэлектростанция, иссиқлик электр станцияси ёки дизел станцияси энергоускуналарини таъмирлаш шу станциянинг ходимлари зиммасида эди. Бундай ҳолат узоқ давом этиши мумкин эмас эди, чунки таъмир ишларини олиб бориш



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/5267> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/5267> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/5267>